

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳал қилув қарори

Жиззах шаҳри

2023 йил 5 сентябрь

Жиззах туманлараро иқтисодий судининг судьяси О.С.Асатов раислигида, Ж.Маматов котиблигида, аризачи Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармасининг, жавобгар ИИИИС масъулияти чекланган жамиятининг банкдаги ҳисобварақалари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси бўйича иқтисодий ишни аризачи вакили Ў.Исоқов (ишончнома асосида) иштирокида, жавобгар вакиллари иштирокисиз, Жиззах туманлараро иқтисодий судининг биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Аризачи Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси Жиззах туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, камчиликлар бартараф этилгунга қадар жавобгар ИИИИС масъулияти чекланган жамиятининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили ариза талабларини қўллаб қувватлаб, жавобгар томонидан ҳисоботлар тақдим этилмаганлиги тўғрисида кўрсатма бериб, аризани тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда ажрим орқали хабардор қилинган жавобгар суд мажлисида вакил иштирокини таъминламади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 127, 170, 220-моддаларини қўллаб, суд муҳокамасини жавобгар вакиллари иштирокисиз ишда мавжуд ҳужжатларга асосланган ҳолда кўриб чиқишни лозим деб топди.

Суд, аризачи вакилининг кўрсатмаларини тинглаб ҳамда ишдаги ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан аризани тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб топади.

Иш ҳужжатлари ва суд муҳокамасидан аниқланишича, Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси жавобгарга солиқ ҳисоботларини топшириш тўғрисида хабарнома жўнатиб, банкдаги ҳисобварақлари бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этилмаганлигини маълум қилиб, солиқ органлари солиқ ҳисоботларини тақдим этиш бўйича яқиндан ёрдам беришга тайёрлиги ҳақида хабардор қилган.

Бироқ, жавобгар мазкур хабарномани оқибатсиз қолдирган. Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ж.Достонов томонидан “Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилинган. Қарорнинг 1-бандига асосан Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармасида солиқ тўловчи бўлиб рўйхатдан ўтган ИИИИС масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги барча ҳисоб варақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кунга тўхтатилган.



Жавобгар томонидан ҳисоботлар тақдим этилмаганлиги сабабли, аризачи судга мурожаат қилиб, жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб қўйишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82-моддасига асосан солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

Кодекснинг 273-моддасига кўра, солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Мазкур кодекснинг 111-моддасига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 217-моддаси биринчи қисми 4-бандига кўра, суд банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаши мумкин.

Қонуннинг мазкур талабидан келиб чиқиб суд, суд мажлисида аризачи вакили томонидан берилган кўрсатмани инобатга олиб, аризани тўлиқ қаноатлантиришни, жавобгар ИИИИС масъулияти чекланган жамиятининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги қонуни 9-моддаси 19-бандига асосан аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод этилганлигини инобатга олишни лозим топди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82, 111, 273-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 112, 176, 217, 220, 222-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармасининг аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар ИИИИС масъулияти чекланган жамияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати



органига сўровномада сўралган хужжатларни тақдим этиш орқали ҳуқуқбузарлик бартараф этилгунига қадар унинг банк ҳисобварақлари бўйича барча операциялари тўхтатиб турилсин.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 111-моддаси 5-қисмига мувофиқ, жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўймайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмайди.

Ҳал қилув қарори ижросини таъминлаш учун жавобгарга хизмат кўрсатувчи банк муассасаларига суд ҳужжатини тақдим этиш аризачи Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси зиммасига юклатилсин.

Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси зиммасига ҳуқуқбузарлик бартараф этилган тақдирда бу ҳақида жавобгарга хизмат кўрсатувчи банк муассасаларига бир кун муддат ичида банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тиклаш ҳақидаги кўрсатмани тақдим этиш мажбурияти ююклатилсин.

ДСБнинг ҳуқуқбузарлик бартараф этилганлиги ва банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тиклаш ҳақидаги кўрсатмаси асосида ҳисобварақлардаги операциялар тиклансин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф ўн кунлик муддат ичида қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида шикоят (протест) келтириши, суднинг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори устидан кассация шикояти беришга ҳақли.

Раислик қилувчи, судья

О.С.Асатов

